БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№97 (242) 2018 йил 11 декабрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 декабрь куни АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Халилзод ва АҚШ Президенти ёрдамчисининг ўринбосари, Миллий хавфсизлик кенгашининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича катта директори Лиза Кёртисни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари АҚШ делегациясини самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланаётгани ва изчил мустаҳкамланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Жорий йил май ойида АҚШга олий даражадаги ташриф якунида эришилган келишувлар стратегик шерикликнинг янги даврини бошлаб бергани таъкидланди.

Турли даражадаги алоқалар фаоллашди, самарали сиёсий мулоқот ва парламентлараро ҳамкорлик йўлга қўйилди, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, маданий-гуманитар алмашувлар жадаллашмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Афғонистон билан анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани, ушбу мамлакатда тез фурсатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши, изчил тараққиётни таъминлаш тарафдори эканини қайд этди.

Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган инфратузилмага оид қатор аҳамиятли лойиҳалар бу жараёнга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Мозори Шариф – Ҳирот темир йўли ва Сурхон – Пули Ҳумри электр узатиш линиясининг қурилиши шулар жумласидан.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо ҳажми ва транзит юк оқимини оширишга хизмат қиладиган божхона терминалини ўз ичига олган «Термиз-Карго-марказ» халқаро логистика маркази ташкил этилди.

Бундан ташқари, Термиз шаҳрида афғон ёшлари таълим олаётган ва касб-ҳунар эгаллаётган Таълим маркази муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Учрашувда Афғонистонда тинчлик музокаралари жараёнини бошлашда афғон халқининг бош ва ҳал қилувчи ролини назарда тутган бутун халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини янада узвий мувофиқлаштириш, ушбу мамлакатга иқтисодий кўмак лойиҳаларини илгари суришда амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги қайд этилди.

Залмай Халилзод ва Лиза Кёртис самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қўшни мамлакатлар, жумладан, Афғонистонга нисбатан ташқи сиёсатига юксак баҳо берилди.

Жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция якунлари афғон масаласини тинч йўл билан ҳал этиш бўйича кўп жиҳатдан халқаро чоралар йўналишларини белгилаб бергани ва бу борадаги қўшма ҳаракатлар учун асос бўлгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш мақсадида Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш масалаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этдилар.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси 2018 йил 13 декабрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари эртага, 2018 йил 12 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Муносабат

## Бунёдкорликнинг яна бир йили

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқини ўқиб...

Ҳаёт синовларида тобланган ёши улуғларимиз одатда хайрли тадбирлардан руҳланганда «Эзгу ишлар бардавом бўлаверсин!» дейишади.

Юртимизда кейинги йилларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар кишининг кўксини фахру ифтихорга тўлдиради. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқини ўқиб, кўнглимда алланечук ғалаён кечди.

Президентимиз тантанали маросимдаги нутқида «Очиқ айтиш керак: агар биз юртимизда барқарор иқтисодиёт қурмоқчи бўлсак, дунёдаги ривожланган мамлакатлар каби бой ва фаровон яшамоқчи бўлсак, чала-чулпа, юзаки эмас, балки қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, ҳақиқий бозор иқтисодиётига ўтишимиз шарт.

Ягона йўлимиз шу. Бу – Асосий қонунимиз талаби. Бошқа йўл йўқ. Биз бошлаган ислоҳотларимизни қатъий давом эттирамиз ва улар албатта ўзининг ижобий натижасини беради», деб таъкидлади.

(Давоми 3-бетда)








## Обод манзилларга элтувчи йўл

Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги «Тонг юлдузи» маҳалла фуқаролар йиғинида қўшалоқ байрам нишонланди.

Бу ерда «Обод қишлоқ» дастури доирасида янги турар жойлар, маданий-маиший объектлар ва спорт майдончалари фойдаланишга топширилиши Бош қомусимиз қабул қилинганининг 26 йиллиги шодиёналарига уланиб кетди.

Маҳаллада ташкил этилган тантанали тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, туман ва маҳалла фаоллари, ёшлар иштирок этди.

«Обод қишлоқ» дастури доирасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларга барҳам бериш, уларнинг бугунги кунидан рози бўлишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Ўзбек ва тожик халқлари азалдан яхши қўшни, яқин дўст, урф-одат ва анъаналари жуда ўхшаш экани, хусусан, Тонг юлдузи маҳалласида ҳам ўзбеклар ва тожиклар неча юз йилдирки, тинч-тотув, аҳил-иноқ ва қуда-анда бўлиб яшаб келаётгани алоҳида қайд этилди.

Маҳаллада 250 дан ортиқ хонадонда 1 минг 300 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ушбу ҳудудда ҳам йиллар давомида аҳолининг электр энергияси, ичимлик суви, газ, йўл, таълим, тиббиёт ва кундалик турмуш учун зарур бўлган бошқа соҳаларда кўплаб муаммолари йиғилиб қолган эди. «Обод қишлоқ» дастури доирасида муаммолар ўрганилиб, «Йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, айни пайтга қадар маҳаллада кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, ҳудудда 9 километр узунликдаги ичимлик суви тармоғи, 7 минг 600 метр газ тармоғи тортилиб, реконструкция қилинди. Қарийб 13 километр асфальт ётқизилди.

Маҳалла аҳолисининг асосий қисми тожик миллатига мансуб фуқаролардан иборат экани инобатга олиниб, ўзбек – тожик маданият маркази барпо этилди. Марказдаги кутубхона ҳар икки миллат мумтоз адабиёти дурдоналари билан таъминланди. Шунингдек, марказнинг ўқув ва анжуманлар зали, тиббиёт хонаси зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Қишлоқнинг кириш қисмида жойлашган 47-умумтаълим мактаби таъмирланиб, 180 ўринли қўшимча бино ва спорт зали қурилди. Шунингдек, 60 ўринга мўлжалланган 8-мактабгача таълим муассасаси ҳам янгидан барпо этилди. Эътиборлиси, ҳар икки муассасада ҳам таълим-тарбия ўзбек ва тожик тилларида олиб борилади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳудудда 120 иш ўрнига мўлжалланган тўқимачилик фабрикаси ташкил этилди. Намунавий лойиҳалар асосида 2 сотихли 28 та турар жой барпо этилиб, эгаларига топширилди.

Маҳаллада ташкил этилган давлат хизматлари туман маркази филиали ҳам аҳолига кўп қулайликлар яратмоқда. Очиғи, бу рўйхатни ҳудудда янги спорт майдончалари қурилгани, боғ ва гулзорлар ташкил этилгани каби кўплаб мисоллар билан яна узоқ давом эттириш мумкин. Мухтасар айтганда, Тонг юлдузи маҳалласи бутунлай янгича қиёфа касб этиб, қишлоқнинг кўрку жамоли, гўзаллигига монанд равишда маҳалла аҳолиси қалбида Ватанга муҳаббат, меҳр-оқибат, ишчанлик, яратувчанлик шижоати жўш ураётир.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қарор ва ижро

## Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими яхшиланмоқда

Йил сайин юртимизда оилалар ва маҳаллалар сони кўпайиб, юзлаб янги турар жой мавзелари, аҳоли пунктлари барпо этилаётгани, шаҳарларнинг кенгайиб бораётгани ичимлик суви таъминоти ҳамда канализация тизимини тубдан яхшилаш борасидаги ишларни тизимли амалга оширишни талаб этмоқда.

Бу борадаги чора-тадбирлар жойларда энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологиялар асосида сув чиқариш ва канализация-тозалаш иншоотлари, сув ўтказгичлар, насос станциялари, тақсимлаш узеллари, водопровод ва канализация тармоқларини модернизация қилишда муҳим ўрин тутади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, атроф-муҳит мусаффолигини асрашга ёрдам беради.

Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги «2018 йилдаги инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Тоза ичимлик суви» жамғармаси ҳисобидан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига 482,4 миллиард сўм ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 августдаги «Республика аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимларини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 300 миллиард сўм ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан ҳудудларда 322 лойиҳа бўйича 1 минг 551,1 километр ичимлик ва оқова сув тармоқлари, 232 ичимлик ва оқова сув иншоотини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиши белгиланган. Жорий йил якунига қадар 298 лойиҳа фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган бўлиб, натижада ҳудудлардаги 650 мингдан ортиқ аҳолининг марказлашган ичимлик сув таъминоти яхшиланиши кутилмоқда.

Қолган 24 йирик объект бўйича қурилиш-монтаж ишлари 2019 йилда якунланади.

Барча лойиҳалар бўйича буюртмачи функциясини Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг «Сув таъминоти ва канализация объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» давлат унитар корхонаси ва унинг минтақалараро филиаллари амалга оширмоқда. Инжиниринг компанияси томонидан лойиҳалар доирасида амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида молиялаштирилиб борилди. Пудратчи ташкилотларнинг амалга ошираётган қурилиш-монтаж ишлари тасдиқланган лойиҳа асосида қурилиш меъёрлари ва қоидаларидан чиқмаган ҳолда сифатли, ўз вақтида бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилди. Қурилиш даврида ишлаб чиқариш зарурияти туфайли пайдо бўлган муаммолар маҳаллий ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар билан биргаликда қисқа муддатда бартараф этиб борилди.

(Давоми 3-бетда)









Бугунги кунда Етти пирнинг муқаддас қадамжоларини янада обод қилишга қаратилган ишлар авжида. Уларнинг мақбаралари қайта таъмирланиб, атрофи кўкаламзорлаштириляпти, вилоятнинг иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар, ноёб гуллар ўстирилмоқда.



# Табаррук заминнинг ойдин келажаги

***Азал-азалдан турли савдо йўллари, маданият ва цивилизациялар чорраҳасида жойлашган бу кўҳна гўшанинг оҳанрабоси, кўрку таровати инсонни доимо ўзига чорлаб туради.***

***Бухорога йилига дунёнинг турли нуқталаридан минглаб сайёҳлар келади. Улар бу шариф заминда тарих билан юзлашадилар. Инсониятнинг асрлар оша яшаб келаётган эзгу тутумлари, маданияти ва қадриятларига гувоҳ бўлиб, уларнинг моҳиятида ётган умумбашарийлик, боқийлик сирларини англашга уринадилар. Ислом дини пешволари, алломалари, азиз-авлиёлари босган тупроқни, қўлларининг қайноқ тафти қолган масжиду минораларни, руҳлари кезиб юрган манзилларни зиёрат қилишга ошиқадилар...***

***Менимча, ҳар бир юртдошимиз Бухорога ташрифини бу азим диёрда қўним топган пирларни зиёрат қилишдан бошлаши табиий ҳол. Шахсан мен бу кўҳна заминга келишим билан ана шу пирларнинг еттинчиси – ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуасини зиёрат қилишдан бошлайман. Бу гал ҳам шундай бўлди.***









## ҚАДАМЖОЛАРИ ОБОД ЮРТ

Ҳар сафар бу қадамжони зиёрат қилгани келганимда бундан салкам 30 йил аввал, аниқроғи, 1990 йилда илк бора ушбу зиёратгоҳга келганимни ёдга оламан. У вақтлари Давлат режалаштириш қўмитасида ишлар эдим. Бухоро вилоятининг ўша даврдаги ижроия комитети ўринбосари Самойиддин Хусенов сафардан унумли фойдаланиб, Бухородаги тарихий ёдгорликлар ва айниқса, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг қабрларини зиёрат қилишни тавсия қилди.



Ана шу йўл-йўриқлар бизни бу жойга етаклади. Эски, тор, ўнқир-чўнқир йўллардан қанча юрганимиз ёдимда йўқ, лекин манзилга етиб борганимиз эсимда. Борган еримиз пастқам, лой томли уйлар, деярли чакалакзорга айланган бир хилват жой эди. Шунда бухоролик ҳамроҳларимиздан бири пири комилнинг васиятларига кўра, у кишини зиёрат қилишдан аввал, устозлари ва оналарини зиёрат қилиш даркорлигини таъкидлади. Шу йўсин яна йўлга тушдик. Биз ўтирган машина ўша даврдаги қишлоқнинг тор йўллари бўйлаб визиллаб кетди. Амир Саййид Кулол мақбараси ҳам ана шундай хароб ҳолда эди.

Айтишларича, Баҳоуддин Нақшбанднинг қабри азалдан зиёратгоҳ ҳисобланган. Илгари амирлар тахтга ўтиришдан олдин, сафарга чиқаётганда ва қайтаётганда албатта Баҳоуддин Нақшбанд даҳмасини зиёрат қилишган.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қабрлари Абдулазизхон томонидан тартибга солиниб, кўркам шаклга келтирилган. Бу муборак қадамжони ободонлаштиришда Темурийлардан тортиб манғит амирларигача ўз ҳиссаларини қўшган эканлар. Хонақоҳ Шайбонийлар сулоласига мансуб Убайдуллохоннинг ўғли Абдулазизхон томонидан 1544-1545 йилда қурилган мақбара атрофида масжид, ҳовуз, қудуқ, минора, дарвозахона бор. Баҳоуддин мозорларининг кун ботар томонида Даҳмаи Шоҳон, яъни шоҳлар даҳмаси жойлашган. Бунда кўплаб Бухоро амирлари ва уларнинг авлод-аждодлари кўмилган.

Мен ўшанда Баҳоуддин Нақшбандий, у кишининг устози ва умуман Бухородаги етти пир ҳақидаги ҳикояларни илк бор эшитдим. Тўғрида, собиқ шўро даврида бу каби алломалар ҳақида бирон-бир манбада ҳеч қандай маълумот бўлмас эди.

1993 йили Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда Баҳоуддин Нақшбанд таълимотини ўрганишга эътибор қаратилди. Бухоро давлат университети ҳузурида «Нақшбандия» илмий маркази иш бошлади. У ерда тасаввуфий-ирфоний меросни тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Бухоро давлат музей қўриқхонасида ҳам «Нақшбандия» маркази тузилди.

Нақшбандий мажмуасининг бугунги кўринишини мен юқорида эслаганим билан таққослаш асло мумкин эмас. Юртимиз мустақилликка эришгач, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари каби Бухородаги бундай қадамжоларни обод этишга алоҳида эътибор қаратилди. 2003 йилда ҳукуматимиз эътибори билан бу мажмуа янада обод этилди. Бухоро шаҳридан то ушбу манзилгача бўлган йўл жаҳон андозасига мос қилиб қурилди. Зиёратгоҳда мажмуа бунёд этилди. Унинг жануб томонида улкан гумбазли дарвозахона тикланди. Қадимги дарвозалар – Хожа Диловар, Бобус салом асл ҳолига келтирилди. Баҳоуддин Нақшбанднинг қабрларини шарқ ва жануб томонларида шимол тарафдаги қадимги айвонга уйғунлаштирилиб улкан ва чиройли айвонлар тикланди.

Бу айвонларнинг устунлари ниҳоятда гўзал, шифтга бажарилган безаклар ўзининг бадиийлиги ва миллийлиги, кўркамлиги билан киши эътиборини тортади. Хонақоҳ, масжид ва мадраса бинолари бежирим таъмирланди. Баҳоуддин Нақшбандий ва у кишининг оналари ёдгорликлари ягона архитектуравий мажмуага айлантирилди. Бошқача айтганда, Қасри Орифонда қадимги ноёб бино ва иншоотлар комплекси билан уйғунлашган замонавий чиройли архитектуравий мажмуа барпо этилди.

Президентимиз шу йилнинг 16 февраль куни Бухоро вилоятига ташриф буюрганида инсоният тамаддуни бешикларидан бўлмиш ушбу заминда не-не буюк алломалар, диний ва дунёвий илм эгалари яшаб, ижод қилганини таъкидлар экан, улар мангу қўним топган масканларни янада обод этиб, бу жойларда зиёратчилар учун зарур шароитлар яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди. Юртбошимиз Етти пир – Абдухолиқ Ғиждувоний, Муҳаммад Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобойи Самосий, Саййид Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд меъморий мажмуалари нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё мусулмонлари учун табаррук масканлар ҳисобланишини қайд этар экан, уларнинг замон талаблари даражасида реконструкция қилиниши Ўзбекистонда янги сайёҳлик йўналишини очишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Бугунги кунда Етти пирнинг муқаддас қадамжоларини янада обод қилишга қаратилган ишлар авжида. Уларнинг мақбаралари қайта таъмирланиб, атрофи кўкаламзорлаштириляпти, вилоятнинг иқлим шароитига мос манзарали дарахтлар, ноёб гуллар ўстирилмоқда. Сайёҳлар учун мазкур ҳудудларда меҳмонхоналар, чойхоналар, савдо мажмуалари, автотураргоҳлар барпо этиляпти. Зиёратгоҳларни ўзаро боғлайдиган йўллар реконструкция қилиниб, замонавий инфратузилма шакллантирилаётир. Муҳташам маданий объектлар қурилиб, транспорт-логистика, муҳандислик-коммуникация тармоқлари яхшиланмоқда. Бу борадаги ишлар ниҳоясига етказилса, Етти пир қадамжолари ҳам шаклан, ҳам мазмунан комплекс қиёфа касб этади ва уларни зиёрат қилиш кўҳна Бухоронинг янги «ташриф қоғози»га айланади.

## АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФА

Бугун мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш орқали ҳаёт сифатини яхшилаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Буни Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари каби Бухорода ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 ноябрда қабул қилинган «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори наинки қурилиш ва шаҳарсозлик соҳаси, балки узоқ йиллар мобайнида оғир шароитларда яшаётган одамлар, кўмакка муҳтож ёш оилалар ҳаётини янги ўзанга солиб юборди.

Мазкур қарорга мувофиқ, «Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишга оид лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштириш, бунёдкорлик ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига оид техник назоратни амалга ошириш ҳамда бошқа масалалар бўйича бош буюртмачи этиб белгиланганди.

Ушбу компания томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастури доирасида 2017 йилда мамлакатимиз бўйича 7 919 хонадондан иборат бўлган 191 та кўп квартирали уйлар қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, 2018 йилда 17 минг 411 хонадонли 423 та кўп қаватли арзон уйлар қурилиши кўзда тутилган.

Ўтган йилнинг декабрь ойида Бухоро шаҳрининг 7-мавзеида илк бор жами 252 хонадонли 6 та кўп қаватли уй қурилиб, эгаларига топширилганди. Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги арафасида шаҳарда лойиҳа қиймати 55 миллиард сўмлик 10 та кўп қаватли уй-жой қуриб битказилиб, ўз эгаларини топди.

– Бу уйларнинг қурилиши жорий йилнинг январь ойида бошланган эди, – дейди биз билан суҳбатда «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК техник назоратчиси Ҳаёт Низомов. – Уйлар нафақат муддатида, балки сифатли қуриб битказилди. Энг қувончлиси, 10 та уйнинг барчаси мамлакатимизда мана икки йилдан буён нишонланаётган қурилиш соҳаси ходимлари кунида ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Уйлар 2, 3, 4 хонадан иборат. Улардан айримлари ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ҳам берилгани ушбу воқеликнинг яна бир қувончли томони бўлди.

– Анча йиллардан буён у жойдан бу жойга кўчиб, ижарада яшаб келаётган эдик, – дейди Бухоро санъат коллежи ўқитувчиси Нигора Тўраева. – Мана шу кўп қаватли уйлардан биттасида тўрт хонали ўз уйимизга эга бўлдик. Бу барчамиз, яқинларимиз учун унутилмас воқеа, албатта. Уйнинг мақбул шартлар асосида берилгани биз учун катта имконият.

Мавзеда бу каби янги уй-жойлар қурилиши давом этмоқда. Ҳудудда тегишли инфратузилма объектлари ҳам барпо этилади. Ҳозир давлат-хусусий шериклик асосида 150 ўринли нодавлат мактабгача таълим муассасаси қурилмоқда. Келгуси йилда 1 минг 176 ўринли умумтаълим мактабини ҳам фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Арзон кўп квартирали уйларни қуриш билан бирга Бухоро вилояти қишлоқларида жорий йилда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида 1 минг 450 та уй-жой қурилиши кўзда тутилган. Бу йил Коғон туманидаги «Беклар» маҳалла фуқаролар йиғини Хўжалар қишлоғида 2 сотихли уч хонадан иборат 169 та уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу уйларнинг 137 таси кам таъминланган, уй-жойга эҳтиёжи бор оилаларга берилди. Қолган 32 таси оғир вазиятга тушиб қолган, ногирон фарзанд тарбиялаётган ва саломатлиги яхши бўлмаган ёлғиз аёлларга топширилди.

Вобкент туманидаги Шакаркент қишлоғида ҳам 2 сотихли уч хонадан иборат 40 та уй ўз эгаларига топширилди.

Булар Бухоро вилоятида жорий йилнинг сўнгги ойларида фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг айримлари тўғрисидаги рақамлар, холос. Бироқ, бу рақамлар ортида қанчадан-қанча инсонлар тақдири, уларнинг ёрқин келажакка бўлган умиди, бир неча йиллик орзуларининг рўёби турганини таъкидлаш зарур.

## КЎҲНА ШАҲАРНИНГ БУГУНГИ ЧИРОЙИ ЎЗГАЧА

Бугунги Бухорони бундан 2-3 йил олдинги Бухоро билан таққослаш қийин. Шаҳар улкан қурилиш майдонини эслатади гўё. Ҳатто, бундан 10 йиллар муққадам қурилган бинолар ҳам бугунги кун архитектурасига мос келмайдигандек, айни чоғдаги жадал ривожланаётган замонавий меъморчилик анъаналарига уларни мослаштириш керакдек туюлади менга.

Бугун қадимий ва навқирон Бухорода бўлсангиз, ҳар жабҳада кенг бунёдкорлик ишлари гувоҳига айланасиз. Таъкидлаш лозимки, истиқлол йилларида ушбу табаррук замин ўзгача қиёфа касб этиб, бугун вилоятда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари янада авж олган. Хусусан, вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Бухоро шаҳрининг кўплаб кўча ва хиёбонларида кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, аҳолини арзон ва замонавий уйлар билан таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида 2021 йилгача барпо этиладиган 5, 6, 7 қаватдан иборат турар жойлар қурилиши бошлаб юборилган.

Азалдан Бухоро меъморчилиги республикамизнинг бошқа ҳудудларидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. Буни бугунги кунда вилоят маркази ва унинг чекка ҳудудларида қад кўтараётган биноларда ҳам кўриш мумкин. Иморатларнинг янгича услубда бунёд этилишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Обод маҳалла» дастурининг асосий параметрларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини таъминлаш масалалари тўғрисида»ги ПҚ-3812-сонли қарорини бажариш ҳам бир томондан кўмак берди десак, муболаға бўлмайди. Чунки неча йиллар давомида шаҳар кўркини бузиб турган эски, ноқонуний қурилмалар бузилиши ана шундай биноларни қад кўтаришига замин яратди.

Давлатимиз раҳбарининг қайд этилган қарорига кўра, Бухоро шаҳридаги биргина Хўжа Ғунжорий ва Ибн Сино маҳалла фуқаролар йиғинларида амалга оширилган ишлар билан танишар эканмиз, инсон қудрати, унинг заковати нималарга қодир эканига яна бир бор иқрор бўлдик.

Хўжа Ғунжорий маҳалла фуқаролар йиғини аҳоли гавжум яшайдиган, қадимий кўчалар, бундан бир неча йиллар аввал қурилган уй-жойлар кўп жойлашган шаҳарнинг катта ҳудудлари сирасига киради.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рашид Саидов ҳудуд билан таништираркан, унинг маҳалла аҳли, ҳатто бу ердаги бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган ишчи-хизматчиларни яхши билишини англадик. Чунки маҳалланинг қаерига бормайлик, қайси иш қачон битиши, ҳар бир объектда қанча иш кўлами бажарилганини бирон-бир эслатмага қарамасдан айтиб берарди.

– Маҳалламизда 783 та хонадондаги 1 123 та оилада 3 772 нафар киши истиқомат қилади, – дея таништирувни бошлайди оқсоқол. – Ҳудудимизда 7 та 2 қаватли, 2 та 3 қаватли ва юзлаб хусусий уйлар бор. «Обод маҳалла» Давлат дастурига мувофиқ, маҳалла фуқаролар йиғини учун икки қаватли янги бино, гўзаллик салони, оталар чойхонаси барпо этилди. Қайта қурилиши режалаштирилган 52 та савдо шохобчасидан 36 таси битказилди ва бугунги кунда аҳолига хизмат қилмоқда. Энг асосийси, ҳар бир хонадон шаҳар оқава сув қувурларига уланиб, неча йиллар давомида ўнқир-чўнқир бўлиб ётган ички кўчалар текисланди ва асфальтланди. Бухоро шаҳрининг кўпгина ҳудудларида тарихий зиёратгоҳлар бор. Маҳалламиз ҳудудидан ўтувчи «Ҳавзи бодом» кўчаси туристик йўл таркибига киритилган. Шу сабабли бу йўлларнинг барчаси текисланиб, тунги чироқлар ўрнатилди.

Дарҳақиқат, «Ҳавзи бодом» кўчаси орқали Бухоро қадамжоларидан бири ҳисобланган Сомонийлар истироҳат боғига борилиб, боғдаги Исмоил Сомоний ва Чашмаи Аюб мақбаралари зиёрати амалга оширилади.

– Яқин йиллар ичида бу боғни ҳам қайта қуриш режалаштирилмоқда, – дейди Бухоро шаҳри ҳокимлиги саноат, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалигини ривожлантириш масалалари котибияти етакчи мутахассиси Изом Қурбонов. – Насиб этса, бу ерда замонавий истироҳат боғи қад ростлайди.

Тез кунларда маҳаллада бирваракайига иккита мактабгача таълим муассасини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Улардан бирини Азим Собиров бошчилигидаги «Нефтгазқурилиштранссервис» МЧЖ капитал таъмирдан чиқараётган бўлса, иккинчиси эса, 1955 йилда қурилган, анчайин нурагани туфайли мутахассислар хулосасига кўра бузиб ташланиб, ўрнига янгиси қурилмоқда. Бу ишларни жорий йилнинг августида «Тошпўлатсервис» МЧЖ бунёдкорлари амалга оширишни бошлашган. Муассасалар тўлиқ ишга туширилгач, уларнинг ҳар бирига 135 нафардан маҳалла болажонлари қатнай бошлашади.

Маҳалла ҳудудини иккига бўлиб турувчи кенг, равон кўчадан ўтиб борарканмиз:

– Кўча жуда кенг эканми? – деб сўрадим бизга маҳалланинг ҳар бир уйи, кўчаси ҳақида маълумот бериб келаётган оқсоқолдан.

– Илгари бу кўча икки тарафлама бўлса ҳам, бор-йўғи 8 метрдан иборат эди. Дастурга мувофиқ, унинг эни 21 метрга кенгайтирилиб, пиёдалар учун йўлаклар, йўлни икки томонга ажратувчи тўсиқлар барпо этилди. Ҳаракат хавфсизлиги нуқтаи назаридан светофор ва йўл бўйлаб тунги чироқлар учун янги устунлар ўрнатилди. Ҳозир кечки пайт бу ерда юришнинг ўзи гаштли, – дея берган саволимга тўлиқ жавоб қайтарганидан қониқиш ҳосил қилганча оқсоқол.

Бухоро шаҳрида «Обод маҳалла» дастурига Ибн Сино номидаги маҳалла ҳам киритилган.

– Ушбу маҳалла ҳудудида ҳам дастур доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди, – дейди Бухоро шаҳри ҳокимлиги саноат, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалигини ривожлантириш масалалари котибияти бош мутахассиси Илёс Зокиров. – Кўриб турганингиздек, маҳалладаги, аниқроғи, шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ҳисобланган Ибн Сино кўчаси бўйидаги пастқам, эски, бугунги кун архитектура талабларига жавоб бермайдиган уйлар бузилмоқда. Режага кўра, бу ерда бузилаётган 64 та хонадон ўрнида 7 қаватли замонавий лойиҳадаги 53 та уй қад ростлайди.

– Бузилган уйлардаги аҳоли қаерга кўчирилди? – қизиқиб сўрадим суҳбатдошимдан.

– Ҳозирда аҳоли шаҳарнинг бошқа ҳудудларига вақтинчалик истиқомат қилиш учун кўчирилди. Уйлар қуриб битказилгач, хонадон эгаларига эски уйларининг нархига қараб уй-жойлар берилади, – дея жавоб берди И. Зокиров.

Ибн Сино номли маҳалла ҳам ҳудуди жиҳатдан жуда катта. У шаҳарнинг деярли марказида жойлашган деса ҳам бўлади. Бу маҳаллани ҳам шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири – Нақшбандий кўчаси иккига ажратиб туради. Куни кеча маҳалла ҳудудида шаҳар Давлат хизматлари агентлигининг янги биноси, Фитрат номидаги боғда эса янги кошона – икки қаватли «Бахт уйи» фойдаланишга топширилди.














Хуллас, ушбу маҳаллаларда амалга оширилган барча ишларни биргина мақолада баён этишнинг ўзи мушкул. Бироқ, қилинаётган барча ишлар халқимиз фаровонлиги, уларнинг келажакка ишонч кўзи билан қарашига замин яратаётгани бор гап.

(Давоми 5-бетда)



Жорий йилнинг ноябрь ойига қадар Республикада инвестиция дастури бўйича 305,2 миллиард сўм маблағлар ҳисобига 605 километрдан ортиқ ичимлик ва оқова сув тармоқлари, 116 сув олиш қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 2019–2021 йилларда Тошкент вилоятининг ирригация ва мелиорация тизимини яхшилаш дастури тўғрисида

Тошкент вилоятидаги экин майдонларининг сув таъминотини янада яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳани ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2019–2021 йилларда Тошкент вилоятининг ирригация ва мелиорация тизимини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти 2019 йил ва кейинги йилларда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Дастурга киритилган ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан Дастурга киритилган ирригация объектларини таъмирлаш-тиклаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Дастурга киритилган мелиортив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш ишлари учун талаб этиладиган маблағларни белгиланган тартибда ажратилишини инобатга олсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти, Тошкент вилояти ҳокимлиги:

Дастурга киритилган лойиҳаларни белгиланган муддатларда ва сифатли амалга оширилишини таъминласинлар;

йил якунлари билан кейинги йилнинг 20 январига қадар дастур ижроси ва унинг натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига туманлар кесимида таҳлилий маълумотларни тақдим қилиб борсинлар.

4. Тошкент вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, туманлар ҳокимликлари ҳамда фермер хўжаликлари билан биргаликда мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга доир амалий чора-тадбирлар режасини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш. Р. Хамраев ҳамда Тошкент вилояти ҳокими Ғ. И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири А. Арипов**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 4 декабрь,
984-сон.

*Манба:* lex.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида «Delta city» халқаро юқори технологияли инновация маркази» лойиҳасини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3833-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида «Delta city» халқаро юқори технологияли инновация маркази» лойиҳасини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3833-сон қарорини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида «Delta city» халқаро юқори технологияли инновация маркази» лойиҳасини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3833-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ лойиҳа ҳудудида жойлашган ва давлат органлари, давлат корхоналари ҳамда муассасаларга, шунингдек, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган бошқа ташкилотларга тегишли бинолар ҳамда иншоотлар туташ ҳудудлари билан бирга Дирекцияга Дирекция улушини кўпайтириш ҳисобига беғараз асосда берилаётганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли ишонч» рақамли иқтисодиётни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2018 йил 2 сентябрдаги ПҚ-3927-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Hi-tech city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги «Delta city» халқаро юқори технологияли инновацион маркази ҳудудида янги объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси» давлат унитар корхонасига (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) ўзгартирилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

а) Дирекцияга:

«Халқаро ҳамкорлик маркази» АЖ ва «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма комплекси АЖ устав капиталидаги акциялар давлат пакети бўйича акциядор ҳуқуқини;

Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) бино ва иншоотларини оператив бошқарувга бериш ҳамда уларни кейинчалик Марказга шартнома асосида беғараз фойдаланиш учун бериш;

б) «Интерсервис» республика хўжалик ҳисобидаги ташқи савдо бирлашмаси давлат корхонасини Дирекцияга қўшиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Дирекция билан биргаликда ушбу қарорнинг 2-бандида кўрсатилган акциялар давлат пакетлари, шунингдек, бино ва иншоотларни белгиланган тартибда қабул қилиш-топширишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиққан ҳолда киритиладиган ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари С. Р. Холмурадов ва А. А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири А. Арипов**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 4 декабрь,
988-сон.

*Манба:* lex.uz

# Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими яхшиланмоқда

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Жорий йилнинг ноябрь ойига қадар Республикада инвестиция дастури бўйича 305,2 миллиард сўм маблағлар ҳисобига 605 километрдан ортиқ ичимлик ва оқова сув тармоқлари, 116 сув олиш қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди, – дейди Ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимлари истиқболини белгилаш ва ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Рустам Ғуломов ЎзА мухбири Абдулазиз Мусаев билан суҳбатда. – Шу билан бирга 74 трансформатор, 78 босимли сув минораси ва 181 замонавий энергиятежамкор насос ускуналари ўрнатилди. Ҳозирда, қурилиш-монтаж ишлари якунланиб фойдаланишга тайёр бўлган барча ичимлик сув таъминоти объектларини Давлат қабул комиссияси томонидан қабул қилиш ва «Сувоқова» давлат унитар корхоналари ҳудудий филиаллари балансига ўтказиш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, лойиҳа доирасида жойлардаги аҳоли хонадонларига сув ҳисоблагичлар ўрнатилиб, тармоққа уланган истеъмолчиларни биллинг тизими асосида абонентлар базасига киритиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Хоразм вилоятига жорий йилда ичимлик сув таъминоти объектларини қуриш ва реконструкция қилиш мақсадида 30,46 миллиард сўм ажратилган. Ушбу маблағлар ҳисобига жойларда 66,2 километр ичимлик сув тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари бажарилди. 8 ичимлик сув иншоотлари, 1,2 километр электр узатиш тармоғи қурилди. 9 трансформатор ускуналари ўрнатилди. 12 тоза сув резервуарлари реконструкция қилинди. Натижада вилоятнинг 4 аҳоли пунктида истиқомат қилувчи 4,5 мингдан ортиқ аҳоли ичимлик суви билан таъминланиб, 5 аҳоли пункти ва 2 туман марказларида истиқомат қилувчи 111,4 мингдан ортиқ аҳолининг марказлашган ичимлик сув таъминоти яхшиланди. Шу билан бирга 2019 йилда вилоятдаги Янгиариқ тумани аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи 4 минг 856 аҳолининг марказлашган ичимлик сув таъминотини яхшилаш, Хива шаҳри, Хонқа туман марказида сув тарқатиш иншоотларини реконструкция қилиш режалаштирилган.

Қорақалпоғистон Республикасида режалаштирилган 10 ичимлик сув таъминоти объектини қуриш ва реконструкция қилиш учун 15 миллиард сўм ажратилган. Мазкур лойиҳалар доирасида ҳудудда 49,7 километр ичимлик сув тармоқлари, 3 ичимлик сув иншооти, 16 сув олиш қудуғини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланиб, 21 насос ускунаси ўрнатилди. Нукус шаҳри, Шуманой, Чимбой, Амударё, Қонликўл, Кегайли, Турткўл, Тахиатош ва Чимбой туманларидаги бир қатор маҳаллалар, аҳоли пунктлари, тиббиёт муассасаларида сув олиш иншооти реконструкция қилиниб, аҳолининг марказлашган ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

Наманган вилоятида режалаштирилган 7 ичимлик сув таъминоти, 2 оқова сув хизмати объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 72,38 миллиард сўм ажратилди. Натижада вилоятнинг 4 та аҳоли пунктларида яшовчи 12 мингга яқин аҳолиси ичимлик суви билан таъминланди. Поп туман маркази ҳамда Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи 39 мингдан ортиқ аҳолининг марказлашган ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидаги 288 қурилиши режалаштирилган объект зарур маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиб, қурилиш-монтаж ишлари олиб борилди.

2019 йилда давлат бюджети ҳисобидан республикамизда ичимлик сув таъминоти бўйича 206 лойиҳа учун 835,2 миллиард сўм, оқова сув тизимидаги 28 лойиҳани амалга ошириш учун эса 265,3 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ичимлик суви таъминоти ва канализация соҳасида белгиланган тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳамон мавжуд. Хусусан, ичимлик суви истеъмолини ҳисобга олиш асбоблари, сув таъминоти ва канализация тизими объектларига оид зарур барча ахборотни «онлайн» режимида киритиш, сақлаш, мунтазам янгилаш ҳамда мониторинг қилишни таъминлайдиган ягона тизимнинг йўқлиги сувни исроф қилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ошиб кетаётганининг сабабларидан биридир.

Президентимизнинг 2018 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳудудларда сув таъминоти ва канализация соҳасидаги ишларини самарали йўлга қўйишда муҳим дастуриламал вазифасини бажармоқда.Мазкур қарор ижроси доирасида келгусида сув таъминоти ва канализация соҳасидаги хизматлар сифати, тармоқ корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.



# Изланишлар самараси

Навоий кон-металлургия комбинатининг уран қазиб олишга хизмат қилувчи 5-кон бошқармаси 1971 йилда ташкил этилган.

Қатор йирик уран конларининг фойдаланишга топширилиши билан замонавий инновацион технологиялар ҳам ишлаб чиқаришга жадал татбиқ этилмоқда. Хусусан, бошқарманинг 4-геотехнология кони таркибида октябрь ойидан фаолият бошлаган янги участка ноёб ер элементларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

4-геотехнология кони раҳбари Машҳур Қурбоновнинг таъкидлашича, уран бозорининг ўзгарувчанлиги мутахассислар олдига ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, сарфларни камайтириш вазифасини қўймоқда. Муҳандис-технологларнинг бу борадаги уринишлари самарасида мазкур нодир ва ноёб элементларни ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Унинг ташкил этилиши эса янги маҳсулот – аммоний элементи перренати олиш билан боғлиқ. У жуда камёб бўлиб, 4 минг даражада эрийди. Ундан асосан металл кесувчи дастгоҳ ва асбоблар тайёрлаш ҳамда ракетасозликда қўшимча элемент сифатида кенг фойдаланилади.

Мазкур объектни барпо этиш учун 9 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Муҳими, бу ерда ўрнатилган технологик ускуналарнинг аксарияти маҳаллийлаштириш дастури асосида, комбинат бўлинмалари ва юртимиздаги бошқа корхоналарда тайёрланган. Келажакда ушбу элемент асосида кам учрайдиган қимматбаҳо иттрий, тербий, скандий каби кимёвий бирикмаларни тайёрлаш имкони ҳам яратилади. Бу борада изланишлар аллақачон бошлаб юборилган. Демак, яқин келажакда объект янада кенгаяди.

**Суратларда:** ноёб ер элементлари ишлаб чиқариш объектида.

**Сирож АСЛОНОВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

# Бунёдкорликнинг яна бир йили

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қаранг, қанчалик машаққатли бўлмасин, бошланган йўл давом этажаклиги уқтирилди. Инсон ҳамма нарсага қодир, фақат тўғри йўл кўрсатилса, бас. Бунинг учун янги авлодни тарбиялаш зарур.

Давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида фуқароларимизнинг ўртача умр кўриш давомийлиги 1990 йилдаги 67 ёшдан 2017 йилда 74 ёшни ташкил этганини, болалар ўлимининг эса 3 баробар камайишига эришилганини айтиб, бу ислоҳотлар давом этишини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда Конституциямиз негизида яратилган аниқ мезонлар асосида иш кўрилмоқда. Одамларнинг яхши яшаши йўлидаги ҳаракатлар Бош қомусимиздан куч олган Ҳаракатлар стратегиясида янги босқичга кўтарилаётгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Элимиз саодати йўлидаги бу саъй-ҳаракатлар жонни койитиб яшашга чорлайди. Буюк файласуф Суқрот айтганидек, «Кимда истак бўлса – йўлини қидиради, кимда истак бўлмаса – сабаб қидиради». Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзларини келтиришни жоиз топдик. «Яна бир инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат борки, фуқароларда ҳам ислоҳотларга нисбатан дахлдорлик ҳисси шаклланиши керак. Ана шундагина кўзлаган мақсадларга эришиб, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўлиқ уддасидан чиқамиз».

Хусусан, қарашларни ўзгартириш даври келди. Меҳнат бахт келтирар, деган мақол бугун ҳаётимизга кўчмоқда. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ислоҳотларга эш бўлиш осон кечмаслиги муқаррар. Ушбу йўлда янги тўлқин юзага келади. Танбалларга бу жойда ўрин бўлмаслиги аниқ. Бир неча йил жон-жаҳд билан фаоллик кўрсатилса, она заминимиз дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан бўйлаша оладиган давлатлар сафида эътироф этилади, албатта. Президентимиз таъкидлаганидек, ислоҳотлар албатта эскича яшаш, эскича ишлашга ўрганиб қолган айрим мансабдорларга ёқмайди. Буниям очиқ айтишимиз керак. Чунки ўзгариш, янгиланиш уларнинг тинчи ва оромини, ҳузур-ҳаловатини бузади. Лекин ҳаёт талаби бўлган ислоҳотлар изчил давом этиши муқаррар. Бу ҳақиқатни ва талабни барча даражадаги раҳбарлар чуқур англаб олишлари зарур.

Четдан қараганда барчаси рисоладагидек, аммо қилиниши керак бўлган бир талай ишлар бор. Айниқса, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида аниқ чоралар кўрилаётгани бор гап. Лекин рақамлар бизни хавфдан огоҳ этмоқда. Коррупция бўйича 1 минг 177 нафар мансабдор шахснинг жиноий жавобгарликка тортилгани бу тизимда қилинаётган ишларнинг амалий тасдиғидир, албатта. Ҳаётий тажрибадан маълумки, айрим давлатларда коррупцияни илдизи билан йўқотиш чоралари изланиб, яхши кўрсаткичларга эришилган. Мамлакатимизда ҳам коррупциянинг барча кўринишларига қарши жиддий кураш бошланган. Муҳими, аҳоли ўз ҳақ-ҳуқуқини таний бошлагани, бундай иллатнинг куни битганидан далолатдир. Агар бизда яқин йиллар ичида бунинг олди олинса, барча соҳаларда оламшумул юксалишлар бўй кўрсатади. Иқтисодий ўсиш жараёнида ҳам шундай юқорилашни кузатиш мумкин бўлади. Президентимизнинг даъватига кўра, бу иллат билан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, балки ҳар бир жамоа жиддий курашиши керак. Шунинг учун ҳар бир давлат идорасининг жамоатчилик томонидан назорат қилинадиган коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз ички дастурлари бўлиши шарт.

Сўзимизни Президентимизнинг қуйидаги фикрлари билан якунласак: Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир.

**Ғайрат ШИРИНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Қайтим қайтариш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайтида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Ўзбекистон Марказий банкининг қўшма мурожаати нашр этилиб, унда дўконларда истеъмолчиларга қайтим ўрнига майда товарлар олиш таклиф этилган ҳолларда уларга мурожаат қилиш сўралган.

Мурожаатда айтилишича, ҳатто сотувчи номинал бўйича мувофиқ пул купюраси йўқлигини айтиб туриб олган тақдирда ҳам, истеъмолчи ўзига керак бўлмаган товарларни қайтим ўрнида олишга мажбур эмас. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ, сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмас. Пул муомаласини оптималлаштириш ва нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш, хусусан, сотиб олинган товар ва хизматлар учун қайтим қайтаришдаги муаммоларни бартараф этиш учун мақбул шароитлар яратиш учун жорий йилнинг июль ойида 50, 100, 200, 500 сўмлик янги кўринишдаги тангалар муомалага чиқарилди.

Агар сотувчи қайтим қайтаришда пул билан ҳисоб-китоб қилишдан бош тортса ва унинг ўрнига нарх жиҳатдан тенг бўлмаган товарларни таклиф этса, у ҳолда истеъмолчи Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг 1091 рақамли «ишонч телефони»га қўнғироқ қилиши керак бўлади.

Агар тадбиркорларга қайтим учун майда пул керак бўлса, улар ўзларига хизмат кўрсатадиган банк филиалларига мурожаат қилишлари ва зарур номиналдаги тангаларни олишлари мумкин. Банкларда 50, 100, 200, 500 сўмлик тангаларни олишда муаммо туғилса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (71) 200-00-44 рақамли «ишонч телефонии»га мурожаат қилиш лозим.

Тошкент шаҳрида жамоат транспорти билан боғлиқ масала очиқ қолмоқда. Унда пул купюрасининг керакли номинали йўқлиги баҳона қилиниб, йўловчиларга мунтазам равишда қайтим берилмайди. Бу амалиёт ҳозирги кунда анъанага айланиб қолган, шу сабабли, кўплаб йўловчилар чиптачига қайтимсиз пул тўлаш учун олдиндан майда пул тайёрлаб қўйишга ҳаракат қилади.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири.**

Ака-укалар саккиз гектар харобазорни қисқа фурсатда гулистонга айлантирдилар. Улар саъй-ҳаракати билан яқинда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи, маҳсулотни сақлайдиган замонавий омборхона, қурилиш материаллари савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.



# Тиниб-тинчимас Ғайратжон

Мамлакатимизда амалга оширилаётган беқиёс бунёдкорлик ишлари одамларнинг ғайрат-шижоатини уйғотиб, тадбиркорликка ундамоқда.





Меҳнат туфайли даромад топиш, янги иш ўринлари яратиш, рўзғорга файз-барака киритиш кўпчилик учун орзу-ҳавас эмас, ҳақиқатга айланаяпти. Ишбилармонларга кенг йўл очиб берилаётганидан руҳланган ургутлик Ғайратжон Амонов ҳам падари бузруквори билан маслаҳатлашиб, элга наф келтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У шу йилнинг бошида «Ургут» эркин иқтисодий зонаси таркибида Колдунвонжар маҳалласи ҳудудидан ажратилган тошлоқ, экин экишга яроқсиз майдонда «Зуҳриддин голден фрутес» корхонасини бунёд этишга киришди.

Асли ота-боболари уста-дурадгор бўлган эмасми, Ғайратжон ҳам, укалари ҳам қурилишда тобланган йигитлардан экан. Бобоси Қодир ва отасидан ўрганган тажрибаларини ишга солиб саккиз гектар харобазорни қисқа фурсатда гулистонга айлантирдилар. Улар саъй-ҳаракати билан яқинда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехи, маҳсулотни сақлайдиган замонавий омборхона, қурилиш материаллари савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди.

– Туркиянинг «Маркинг» фирмаси билан шартнома тузиб, зарур асбоб-ускуналарни хориждан олиб келдик, – дейди Ғайратжон. – Ўзбекистонимизда етиштирилаётган узум, меваларни қайта ишлаб экспортга чиқарамиз. Айни пайтда Россиянинг Москва, Уфа, Қозон шаҳарларида фаолият юритаётган дўконлар бизга қўл келади. У ердан қурилиш материаллари олиб киришни режалаштирганмиз. Муҳими, серқуёш юртимизда етиштирилган ноз-неъматлар жуда харидоргир бўлиб, уларга эҳтиёж кучли.

Тадбиркорларнинг эзгу ниятлари янада улкан. Улар йилига 2-2,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар тайёрлашга бел боғлашган. Бунинг учун барча шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Қолаверса корхона ҳудудида иссиқхона, боғ барпо этиш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Ғайратжон бошлиқ жамоада Хайрулла Шукуров, Райим Омонов, ака-укалар Бахтиёр, Акбар ва Зафар Элбековлар сингари оловқалб қанотлар бор экан, улар тиниб-тинчимайдилар, ҳоришни билмасдан Ватан ривожи, дастурхон тўкинлигига ўз улушларини қўшаверадилар.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori»**
**мухбири.**

В Узбекистане в 2020 году начнут строить первые типовые показательные образовательные учреждения в рамках проекта «Современная школа».

# В Узбекистане начнут строить типовые показательные школы

Всего с 2020 по 2024 годы в стране планируется возвести 126 таких школ и реконструировать под новые стандарты 704.



Здесь будут действовать специальные образовательные стандарты и программы обучения, отдельные требования к организации учебного процесса, порядок проведения оценки работы школы, механизмы отбора, оценки и аттестации педагогических кадров, а также учащихся, своя адаптированная учебная литература.

Финансирование нового строительства общеобразовательных учреждений по типовым проектам «Современная школа» осуществляется за счет средств Фонда развития народного образования, а также привлекаемых иностранных грантов и займов.

Строительство, реконструкция и оснащение новых государственных общеобразовательных учреждений, начиная с 2020 года, будет осуществлятся в установленном порядке исключительно по типовым проектам и нормативам, разработанным Министерством строительства совместно с Министерством народного образования Республики Узбекистан.

При этом все новые школы планируется подключить к информационной системе, обеспечивающей мониторинг в режиме реального времени материального и физического состояния объектов общеобразовательных учреждений, отражающей их уровни в разрезе регионов.

Действующие школы должны будут получить специальный сертификат «Современная школа», который будет оценивать их уровень по ряду параметров.

Планируется, что к 2030 году количество современных школ в стране достигнет 50 % от общего количества или 4860 единиц.

**Наш корр.**


# «ZAR AUKSION» МЧЖ

## бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2019 йил 14 январь куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 106-уйда жойлашган 5-сонли Давлат нотариал идорасининг 2018 йил 4 декабрдаги ижро хатларига асосан ундирувга қаратилган қуйидаги заргарлик буюмлари (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ясалган занжир, узук, билакузук, зирак ва бошқалар) **«Hamkor kredit» МЧЖ** томонидан қўйилмоқда:

1. 1-2И 3237-ижро хатига асосан 7 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 4 972 840,18 сўм.
2. 1-2И 3238-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 498 654,30 сўм.
3. 1-2И 3239-ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 993 693,76 сўм.
4. 1-2И 3240-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 903 247,18 сўм.
5. 1-2И 3241-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 236 958,16 сўм.
6. 1-2И 3242-ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 413 596,14 сўм.
7. 1-2И 3243-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 648 072,70 сўм.
8. 1-2И 3244-ижро хатига асосан 7 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 4 121 281,00 сўм.
9. 1-2И 3245-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 356 890,80 сўм.
10. 1-2И 3246-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 789 836,20 сўм.
11. 1-2И 3247-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 833 343,06 сўм.
12. 1-2И 3248-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 413 596,14 сўм.
13. 1-2И 3249-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 427 772,40 сўм.
14. 1-2И 3250-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 350 369,14 сўм.
15. 1-2И 3251-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 838 886,94 сўм.
16. 1-2И 3252-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 676 425,52 сўм.
17. 1-2И 3253-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 931 600,00 сўм.
18. 1-2И 3254-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 236 958,16 сўм.
19. 1-2И 3255-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 648 072,70 сўм.
20. 1-2И 3256-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 356 890,80 сўм.
21. 1-2И 3257-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 676 425,52 сўм.
22. 1-2И 3258-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 860 718,10 сўм.
23. 1-2И 3259-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 577 190,80 сўм.
24. 1-2И 3260-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 215 127,00 сўм.
25. 1-2И 3261-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 392 898,22 сўм.
26. 1-2И 3262-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 662 248,96 сўм.
27. 1-2И 3263-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 676 425,52 сўм.
28. 1-2И 3264-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 860 718,10 сўм.
29. 1-2И 3265-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 917 423,44 сўм.
30. 1-2И 3266-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 378 721,96 сўм.
31. 1-2И 3267-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 271 832,64 сўм.
32. 1-2И 3268-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 002 481,60 сўм.
33. 1-2И 3269-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 073 363,50 сўм.
34. 1-2И 3270-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 4 263 044,50 сўм.
35. 1-2И 3271-ижро хатига асосан 5 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 703 644,80 сўм.
36. 1-2И 3272-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 782 181,60 сўм.
37. 1-2И 3273-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 236 958,16 сўм.
38. 1-2И 3274-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 293 663,80 сўм.
39. 1-2И 3275-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 151 900,00 сўм.
40. 1-2И 3276-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 477 956,38 сўм.
41. 1-2И 3277-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 427 772,40 сўм.
42. 1-2И 3278-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 286 008,90 сўм.
43. 1-2И 3279-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 407 074,48 сўм.
44. 1-2И 3280-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 251 134,72 сўм.
45. 1-2И 3281-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
46. 1-2И 3282-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 286 008,90 сўм.
47. 1-2И 3283-ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 043 877,44 сўм.
48. 1-2И 3284-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 265 310,98 сўм.
49. 1-2И 3285-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 860 718,10 сўм.
50. 1-2И 3286-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 087 539,76 сўм.
51. 1-2И 3287-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 435 427,30 сўм.
52. 1-2И 3288-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 427 772,40 сўм.
53. 1-2И 3289-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 435 427,30 сўм.
54. 1-2И 3290-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
55. 1-2И 3291-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 690 601,78 сўм.
56. 1-2И 3292-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 293 663,80 сўм.
57. 1-2И 3293-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 923 945,10 сўм.
58. 1-2И 3294-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 648 072,70 сўм.
59. 1-2И 3295-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
60. 1-2И 3296-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 569 536,20 сўм.
61. 1-2И 3297-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 215 127,00 сўм.
62. 1-2И 3298-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
63. 1-2И 3299-ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 853 063,20 сўм.
64. 1-2И 3300-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 577 190,80 сўм.
65. 1-2И 3301-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 144 245,40 сўм.
66. 1-2И 3302-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 819 170,41 сўм.
67. 1-2И 3303-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 463 780,12 сўм.
68. 1-2И 3304-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 016 658,16 сўм.
69. 1-2И 3305-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 648 072,70 сўм.
70. 1-2И 3306-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 577 190,80 сўм.
71. 1-2И 3307-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 687 473,20 сўм.
72. 1-2И 3308-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 002 481,60 сўм.
73. 1-2И 3309-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 115 892,58 сўм.
74. 1-2И 3310-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 569 536,20 сўм.
75. 1-2И 3311-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 435 427,30 сўм.
76. 1-2И 3312-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 364 545,40 сўм.
78. 1-2И 3313-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 534 661,72 сўм.
79. 1-2И 3314-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
80. 1-2И 3315-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 492 132,64 сўм.
81. 1-2И 3316-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 215 127,00 сўм.
82. 1-2И 3317-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 563 014,54 сўм.
83. 1-2И 3318-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
84. 1-2И 3319-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 5 255 389,60 сўм.
85. 1-2И 3320-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 959 952,52 сўм.
86. 1-2И 3321-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 832 365,28 сўм.
87. 1-2И 3322-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 492 132,64 сўм.
88. 1-2И 3323-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 392 898,22 сўм.
89. 1-2И 3324-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 695 990,20 сўм.
90. 1-2И 3325-ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 427 772,40 сўм.
91. 1-2И 3326-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 931 600,00 сўм.
92. 1-2И 3327-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 328 537,98 сўм.
93. 1-2И 3328-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 293 663,80 сўм.
94. 1-2И 3329-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 293 663,80 сўм.
95. 1-2И 3330-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 002 481,60 сўм.
96. 1-2И 3331-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 682 946,88 сўм.
97. 1-2И 3332-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 215 127,00 сўм.
98. 1-2И 3333-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 215 127,00 сўм.
99. 1-2И 3334-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 328 537,98 сўм.
100. 1-2И 3335-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 853 063,20 сўм.
101. 1-2И 3336-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 322 016,32 сўм.
102. 1-2И 3337-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 286 008,90 сўм.
103. 1-2И 3338-ижро хатига асосан 3 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 775 659,94 сўм.
104. 1-2И 3339-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 577 190,80 сўм.
105. 1-2И 3340-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 108 237,68 сўм.
106. 1-2И 3341-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 747 307,12 сўм.
107. 1-2И 3342-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 718 954,60 сўм.
108. 1-2И 3343-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 194 429,08 сўм.
109. 1-2И 3344-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 619 719,88 сўм.
110. 1-2И 3345-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 860 718,10 сўм.
111. 1-2И 3346-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 3 412 462,90 сўм.
112. 1-2И 3347-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 789 836,20 сўм.
113. 1-2И 3348-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 293 663,80 сўм.
114. 1-2И 3349-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 421 251,04 сўм.
115. 1-2И 3350-ижро хатига асосан 1 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 427 772,40 сўм.
116. 1-2И 3351-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 1 739 652,52 сўм.
117. 1-2И 3352-ижро хатига асосан 2 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 364 545,40 сўм.
118. 1-2И 3353-ижро хатига асосан 4 дона буюм. **Бошланғич баҳоси** – 2 632 763,20 сўм.

**Заргарлик буюмлари билан «Hamkor kredit» МЧЖнинг қуйида кўрсатилган манзилида бевосита танишиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, «Фарғона йўли» кўчаси, 2-уй, 75-хонадон.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 14 январь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари ҳафтанинг ҳар сешанба кунлари соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача юқоридаги манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

**Олди-сотди шартномаси тузилишининг чекланган муддати** – савдо ўтказилган санадан бошлаб 10 (ўн) кун.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувни имзолагандан сўнг заргарлик буюмлари бошланғич баҳосиниг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «ZAR AUKSION» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 9007 9396 0001 АКБ «Турон банк» Юнусобод филиали МФО 01144 СТИР 305 014 967.

**Шунингдек, қуйида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишлари керак:**

- **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- **жисмоний шахслар** – паспорт нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда;
- закалат пули тўлагани ҳақида тўлов ҳужжати.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар учун шартнома асосида тўлов олинади.

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш учун манзил**: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 1-уй, 65-хонадон.

**Мурожаат учун тел**.: 71-224-86-67.

**Электрон почта:** zarauction@yandex.ru

*536412 рақамли гувоҳнома.*



# Акциядорлик тижорат Халқ банки Сурхондарё вилояти филиали

## қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади:

1. Халқ банки Сурхондарё вилояти филиалининг Термиз шаҳри, «Маданият» кўчаси ёқасидаги янги биносига, Ангор, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Олтинсой, Шеробод, Шўрчи, Қизириқ, Қумқўрғон, Термиз тумани Учқизил филиалларига ҳамда Сариосиё тумани филиалининг янги биносига оптик толали алоқа линиясини улаш мақсадида телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ишлари (лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертиза хулосасини олиш билан биргаликда).

**Буюртмачининг бошланғич нархи –**
410 000 000 сўм ҚҚС билан;
341 666 667 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни якунлаш муддати** – 45 кун.

**Буюртмачи:** Акциядорлик тижорат Халқ банки Сурхондарё вилояти филиали.

Юқоридаги ишларни бажариш учун оптик толали алоқа линиясини қуриш бўйича махсус лицензия ва рухсатномага эга бўлиш талаб этилади.

2. АТ Халқ банки Ангор филиалини ҚЁОС воситалар билан жиҳозлаш, алоқа кабеллари, домофон ҳамда янги замонавий (ЗМП) IP видеокузатув мосламалари ўрнатиш ишлари.

**Буюртмачининг бошланғич нархи –**
146 362 448 сўм ҚҚС билан;
121 968 707 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни якунлаш муддати** – 15 кун.

**Буюртмачи:** Акциядорлик тижорат Халқ банки Ангор филиали.

3. АТ Халқ банки Музработ филиалининг маъмурий биносини ҚЁОС воситалар билан жиҳозлаш, алоқа кабеллари, домофон ҳамда янги замонавий (ЗМП) IP видеокузатув мосламалари ўрнатиш ишлари.

**Буюртмачининг бошланғич нархи –**
155 148 613 сўм ҚҚС билан;
129 290 511 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни якунлаш муддати** – 15 кун.

**Буюртмачи:** Акциядорлик тижорат Халқ банки Музработ филиали.

4. АТ Халқ банки Шеробод филиалини ҚЁОС воситалар билан жиҳозлаш, алоқа кабеллари, домофон ҳамда янги замонавий (ЗМП) IP видеокузатув мосламалари ўрнатиш ишлари.

**Буюртмачининг бошланғич нархи –**
159 543 632 сўм ҚҚС билан;
132 953 027 сўм ҚҚСсиз.

**Ишларни якунлаш муддати** – 15 кун.

**Буюртмачи:** Акциядорлик тижорат Халқ банки Шеробод филиали.

**Молиялаштириш манбаси:** АТ Халқ банкининг ўз маблағлари ҳисобидан.

**Юқоридаги (2, 3, 4) объектларнинг ишларини бажариш учун:** Ички ишлар вазирлигининг «Ёнғинни автоматик тарзда ўчириш, хабарлаш ва қўриқлаш қурилмаларини лойиҳалаш-жиҳозлаш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш» тўғрисидаги махсус лицензия талаб этилади.

**Танлов савдоси иштирокчилари қўшимча маълумот олиш учун танлов ташкилотчиси «SURXON TENDER SAVDOSI» МЧЖнинг қуйидаги манзилига мурожаат этишлари мумкин:** Термиз шаҳри, «Тараққиёт» кўчаси, 42-уй.

**Телефон:** (90) 245-22-17.

**Буюртма бериш муддати:** эълон xarid.uz махсус ахборот порталида чоп этилган кундан бошлаб 10 кун.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларини xarid.uz порталидан (оптик толали алоқа линиясини улаш бўйича 9041111-сонли, Ангор тумани бўйича 9040939-сонли, Музработ тумани бўйича 9040941-сонли, Шеробод тумани бўйича 9040933-сонли лот рақамидан) олиш мумкин.



ЧП «AVENSIS GROUP» (ИНН 304 189 379), зарегистрированное хокимиятом Кибрайского района Ташкентской области за №4946 от 27.07.2016 г. сообщает об уменьшении уставного фонда с 526 700 000 сум до 100 000 000 сум.

**Адрес:** Ташкентская область, ССГ «Янгиобод», ул. «Дустлик», 3-3.


# Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

**Центральный банк Республики Узбекистан установил с 11 декабря 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)**

1 Доллар США – 8312,64
1 ЕВРО – 9456,46
1 Российский рубль – 125,22
1 Фунт стерлингов – 10578,67
1 Южнокорейская вона – 7,40
1 Японская йена – 73,75
1 Малайзийский ринггит – 1996,31
1 Китайский юань – 1209,41
1 Швейцарский франк – 8334,06
1 Дирхам ОАЭ – 2263,30
1 Египетский фунт – 465,43
1 Австралийский доллар – 5984,27
1 Турецкая лира – 1567,86
1 Сингапурский доллар – 6069,39
1 СДР – 11517,66
1 Канадский доллар – 6241,19
1 Украинская гривна – 299,18
1 Польский злотый – 2205,82
1 Кувейтский динар – 27376,63

***) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.**



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Бухоро вилоятида 22 та қишлоқда дастурни амалга ошириш режалаштирилган.



# Табаррук заминнинг ойдин келажаги

(Давоми. Боши 2-бетда)

## ҚИШЛОҚНИ ОБОД ҚИЛИШ КЎНГИЛНИ ОБОД ҚИЛИШ ДЕМАКДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Бухоро вилоятида 22 та қишлоқда дастурни амалга ошириш режалаштирилган.

Бугунги кунда рўйхатдаги 22 та қишлоқда 3 781 та якка тартибдаги уй-жойни таъмирлаш, 429 километр электр энергияси, 51,9 километр газ, 276 километр ичимлик суви тармоқларини қуриш ва қайта тиклаш, шунингдек, 104,9 километр йўлларни таъмирлаш ҳамда 325 та бозор инфратузилмаси объектини қуриш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, жами 68 та ижтимоий соҳа объекти, жумладан, 21 та умумтаълим мактаби, 20 та мактабгача таълим ва 14 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 9 та маҳалла гузари ҳамда 4 та бошқа ижтимоий соҳа объектлари таъмирланиши ва янгитдан қурилиши режалаштирилган.

Қоракўл туманидаги «Оқ олтин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Оқ олтин қишлоғида дастур доирасида амалга оширилган ишлар кўлами талайгина. Қишлоқ туман марказидан салкам 20 километр нарида жойлашган.



**Баҳодир ЖУМАЕВ, Қоракўл тумани ҳокимининг саноат, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалигини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари:**

*– Дастур доирасида Оқ олтин қишлоғида жами 12 миллиарддан зиёдлик иш кўлами бажарилиши кўзда тутилган эди. Бугунги кунга келиб бу ишлар учун йўналтирилган маблағлар тўлиқ ўзлаштирилди ва дастурда белгиланган ишларнинг барчаси амалга оширилди.*

Дарҳақиқат, қишлоққа кириб боришингизнинг ўзида бу ерда катта кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бажарилганига гувоҳ бўласиз.

– Қишлоғимизда ишсизлар йўқ, – деди биз билан суҳбатда «Оқ олтин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ахрор Чориев. – Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 3 та – Оқ олтин, Боғи эрам ва Дўкончи қишлоқларида 5 та фермер хўжалиги ва бир нечта иссиқхона фаолият юритади. Аҳолининг деярли барчаси ана шу ерда меҳнат қилади. Ишга жалб қилинмаганлари эса ўзларининг томорқаларидан ортишмайди.

Оқсоқолнинг гапларига аввалига бироз ишонқирамадик, сўнгра қишлоқ кўчаларида деярли одам йўқлигини кўриб, у кишининг гапи ҳақиқатга яқин экан, деган хулосага келдик.

– Мана бу мактаб ҳам Дастурга кўра «Нур қурилиш порлоқ» МЧЖ бунёдкорлари томонидан тўлиқлигича қайта таъмирланди, – дея тушунча берди оқсоқол янгиланган мактаб биноси олдига келганимизда.

Мактаб биносининг ичига кирдик. Мақтаса арзигулик қайта қуриш бўлган. Хоналар ёруғ, эски ромларнинг ўрнига замонавий пластик ромлар, энергия тежамкор чироқлар ўрнатилган, ҳар бир синф дид билан бўялган.

– Мактабимизга ўтган йили келганингизда шу ерда ҳам болаларни ўқитса бўларканми, дея ўзингизга ўзингиз савол беришингиз аниқ эди, – дейди 42-умумтаълим мактаби директори Худоёр Жўраев. – 2018 йилнинг март ойидан бошланган қайта таъмирлаш ишлари қисқа фурсат давом этиб, яъни июль ойида якунланди. Натижада бу йилги ўқув йилини янгиланган мактабда бошладик.

422 нафар болага мўлжалланган мактабнинг барча синф хоналари, спорт ва тантанали маросимлар ўтказиладиган заллари янгича кўринишга эга бўлди. Хоналарни иситиш учун 8 та қозонхона қурилди.

– Мактаб поллари ўйдим-чуқур эди, – дея ҳикоясини давом эттирди Худоёр ака. – Энг қувончлиси, муассасамиз янги жиҳозлар билан таъминланди. Маросимлар зали ҳеч бир шаҳар мактабларидан қолишмайдиган даражада жиҳозланди.

Мактаб атрофи ҳам ободонлаштирилган, мавсумий гуллар экиш учун жойлар ҳозирланган. Бир сўз билан айтганда, келажак авлоднинг таълим олиши учун барча шароитлар яратиб берилган.

Қишлоқда шунингдек, «Оқ олтин» МФЙнинг янги биноси, туман ҳокимининг яқинда қуриб битказилган сайёр қабулхонаси, меҳмонхона, 9 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объекти аҳолига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз нутқида яна бир карра таълим-тарбия тизимига эътибор қаратар экан, «Биз «Тарбия гўдакликдан бошланади», деган ҳикматли сўзга амал қилиб, таълим-тарбия соҳасидаги ўзгаришларни унинг энг қуйи босқичи – мактабгача таълим тизимидан бошладик», дея алоҳида таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, ўқитиш тизимининг дастлабки бўғини – мактабгача таълим сўнгги икки йилда мутлақо янгича асосда ислоҳ этилмоқда. Бунда навқирон авлодни ватанпарвар, юксак ва теран маънавиятли, кенг тафаккурга эга, замонавий фикрлайдиган шахс этиб тарбиялашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Давлат-хусусий шериклик асосида замонавий мактабларни ташкил этишга оид эзгу ташаббуслар мактабгача таълим хизматлари нодавлат секторини янада ривожлантириш, болаларни бу тизимга кенгроқ қамраб олинишини таъминлашнинг янги истиқболларини очмоқда.

«Оқ олтин» МФЙда бу борада ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Оқ олтин қишлоғи ҳудудида 50 ўринли хусусий мактаб қуриб битказилган бўлса, унга туташ Дўкончи қишлоғида ана шундай таълим муассасаси учун янги бино қурилиши бошланди.

Ҳудудда ижтимоий инфратузилма объектларини реконструкция қилиш, янгиларини қуриш ишлари қизғин кетмоқда. Қишлоқ аҳли ёшлар меҳнат гузари, оталар чойхонаси, маиший хизмат кўрсатиш цехлари, автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси, ўқув маркази, ҳаммом, спорт майдончаси, замонавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган хусусий клиника хизматидан мамнун.

Қишлоқ бўйлаб юрарканмиз, пештоқига «Ҳасанбобо Қоракўл зиё» ўқув маркази деган ёзувли бино диққатимизни тортди. Оқсоқолдан мазкур марказ ҳақида сўрадик.

– Ушбу марказ Қоракўл академик лицейи қошида очилган, – дея ўқув масканини таърифлай бошлади у киши. – Биласизми, туманимиздаги академик лицей нафақат вилоятимизда, балки республикамизда ҳам ном чиқарган. Лицейни битирган ўқувчиларнинг деярли 90 фоизи юртимиздаги олий ўқув юртлари талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлишади. Ўқув муассасасида, айниқса математика, биология, кимё каби фанлардан чуқур билим берилади. Марказда олий ўқув юртларининг кириш имтиҳонларига бўлажак талабаларни тайёрлашади.

Энг қизиғи, ҳар йили марказда Бухоро вилоятининг турли туманларидан келган ёшлардан ташқари Сирдарё, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд, Навоий вилоятларидан келган 100 дан зиёд ўқувчи ўз билимларини оширар экан. Яна бир таҳсинга сазовор томони шундаки, марказдаги дарсларни академик лицейдаги дарслардан бўш вақтларида ана шу ўқув муассасаси ўқитувчилари бераркан. Бу эса ўқитувчиларга қўшимча даромад олиш имконини бермоқда.



**Мафтуна ЮСУПОВА, Қоракўл академик лицейи ва марказнинг кимё фани ўқитувчиси:**

*– Қоракўл академик лицейини битирганимдан сўнг, Ўзбекистон Миллий университетининг биология факультетига ўқишга кирдим. Бугунги кунда республикамизнинг турли вилоятларидан келган 15 нафар ёшларни олий ўқув юртларига тайёрлаш билан бандман.*

– Мен келгусида шифокор бўлиш истагидаман, – деди навоийлик Малика исмли қиз. – Бу ерда кимё фанидан билимларимни оширяпман.

Маҳалла оқсоқолининг таъкидлашича, ўқув юртларига кириш имтиҳонлари бошланиш арафасида ўқувчилар сони яна ҳам кўпаяркан. Илгари ўқувчиларни ўқитишга марказнинг алоҳида биноси бўлмагани сабабли кўплаб қийинчиликлар бўлган. Эндиликда ўқув маркази учун алоҳида бино ва унга туташ китоб дўкони қад ростлагани айни муддао бўлибди. Бу ҳам келажак авлоднинг билим олиши учун яратилган улкан имкониятлардан бири десак, муболаға бўлмайди.

Олот туманида ҳам «Обод қишлоқ» дастури доирасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Хусусан, дастурга киритилган «Човдур» қишлоғида 1 159 хонадонда 1 405 оиланинг 5 440 нафар, Усмоншайх қишлоғида эса 962 хонадон, 1 143 оиладаги 4 319 нафар аҳоли истиқомат қилади.

– «Човдур» қишлоғидаги 17-сонли умумтаълим мактабини реконструкция қилиш орқали қишлоқ оилавий поликлиникасига мослаштирилди, – деди қишлоқдаги янги қурилган биноларни кўздан кечираётганимизда туман ҳокимининг саноат, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалигини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Соҳиб Жумаев. – Шу билан бирга, 27-сонли умумтаълим мактаби қайта таъмирланиб, мактабгача таълим муассасасига мослаштирилди. 2-сонли умумтаълим мактабини жорий таъмирлаш ишлари якунланди.

Усмоншайх қишлоғида ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш, қайта қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунга келиб, қишлоқдаги 3-сонли умумтаълим мактаби реконструкция қилинган бўлса, қишлоқ врачлик пунктини янгитдан қуриш ишлари тугалланди.

Туман ҳокимлигидан берилган маълумотларга кўра, дастурдаги «Човдур» ва Усмоншайх қишлоқлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, газ ва электр таъминотини яхшилаш бўйича белгиланган барча ишлар тўлиқ амалга оширилган. Қишлоқлардаги ички тупроқ йўлларини тош йўлга айлантириш ишлари ҳам якунланибди. Эндиликда қишлоқлар аҳолиси ёзда тупроқ, ёғингарчилик пайтлари лой йўллардан эмас, балки янгиланган, асфальт қопланган йўллардан юришлари учун барча ишлар амалга оширилди.

Вилоятда, шунингдек, «Обод қишлоқ» дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда, ҳукумат қарори билан 2018-2019 йилларда Бухоро вилоятининг Жондор, Пешку, Ромитан ҳамда Шофиркон туманларини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастурлари ҳам тасдиқланган эди.

Ана шу Дастурлар доирасида ҳар бир туман кесимида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлар, шунингдек, қурилиш материаллари, енгил саноат ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, янгитдан барпо этиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, хизматлар соҳаси ҳамда сервисни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасининг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, ижтимоий соҳа инфратузилмасини янада такомиллаштириш бўйича инвестиция лойиҳалари тасдиқланди.

Хусусан, Жондор туманида 296 та, Пешкуда 286 та, Ромитанда 196 та ва Шофирконда 211 та лойиҳанинг амалга оширилиши, бу орқали эса 6 604 та янги иш ўрни яратилиши назарда тутилган.

## «ҚУРУВЧИЛИК МЕНГА ОТА МЕРОС»

Асли қоракўллик қурувчи Ҳамробой Чориев билан илк марта жорий йил Қурилиш соҳаси ходимлари куни муносабати билан «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантаналарда кўришган эдик. Ўша куни Ҳамробой Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатимиз қурилиш соҳаси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, мамлакатимиз қурилиш соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, қурилиш индустрияси ва миллий меъморчиликни ривожлантириш, тизимга илғор технологияларни жорий этиш, замонавий бино ва иншоотларни барпо этиш, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш борасидаги катта хизматлари ҳамда соҳага оид давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги фаол иштироки учун «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Тантанали маросим тугагач, у билан учрашиш, суҳбатлашиш имкони бўлмаган эди.

Бухородаги сафаримиз вақтида у бунёд этган иншоотлар билан танишиш имконини топдик.



**Ҳамробой ЧОРИЕВ, «Шарқ плюс» МЧЖ раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳиби:**

*– Аслида қурувчилик менга ота мерос. Отам раҳматли, Олот туманидаги «188-сон хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна» акциядорлик жамиятида ғишт терувчи бўлиб ишлаган бўлса-да, у киши қурувчиликда асқотадиган бошқа ҳунарларни ҳам мукаммал эгаллаган эди. Ҳаётим давомида отамдан олган ўгитлар билан шу даражага етдим. Шу сабабли менга берилган мукофот нафақат мен раҳбарлик қилаётган жамоа аъзоларинику, балки отам Ҳайитбой Чориевники ҳам деб биламан.*

– Ҳ. Чориев раҳбарлик қилаётган «Шарқ плюс» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари вилоятимизда кўплаб биноларни бунёд этган, – деди бизнинг муддаомизни билгач, Бухоро вилояти Қурилиш назорати ҳудудий инспекцияси бошлиғи Истам Ҳамраев. – Янглишмасам, у ҳозир Олот туманида бир нечта объектлардаги қурилиш-монтаж ишларини якунлаяпти.

Ҳамробой меҳнат фаолиятини жуда эрта, 16 ёшида оддий киномеханикликдан бошлаган. Кейинчалик, қонда бор экан, ота касбини давом эттиришга аҳд қилди. Аввалига Олот туманида биринчилар қатори ташкил этилган «Шарқ плюс» масъулияти чекланган жамиятида, 2002 йилда Тошкент архитектура-қурилиш институтини сиртдан битиргач эса Бухоро «Нефтгазсаноатқурилиш» трестида таъминотчи, Олот туманидаги «188-сон хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси вазифаларида ишлаган кезлари қурилиш соҳаси сир-синоатларини мукаммал эгаллашга ҳаракат қилди. Бир неча йилдирки, у ўша «Шарқ плюс» МЧЖга раҳбарлик қилиб, вилоятдаги кўпгина ижтимоий соҳа объектларини сифатли қуришга эришди.

Ҳамробойни Олот туманидаги «Ёш ботир» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қад ростлаган «Шириной эркатой» хусусий мактабгача таълим муассасасида, сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилаётган жойдан излаб топдик.

– Тўғриси, бу йил умуман кутилмаган воқеаларга бой бўлди. 9 август куни ўз юмушларим билан Тошкентга борган эдим. Вилоят ҳокимлигидан қўнғироқ бўлиб, 10 август куни «Туркистон» саройидаги йиғилишда албатта иштирок этишим кераклигини уқтириб, оқ кўйлак, қора костюм-шим ва галстукда боришимни ҳам қўшиб қўйишди. Таажжуб, оқ кўйлак, костюм-шимку майли, умримда галстук тақмаганман, йиғилишга нима учун тақиб боришим керак экан, деган хаёлга бордим. Камтарона меҳнатим давлатимиз раҳбари томонидан қадрланиб, мамлакатимизнинг юксак мукофотига лойиқ топилганимни саройга боргандагина билдим, – дейди Ҳ. Чориев биз билан суҳбатда.














Айтганча, Ҳамробойнинг ўғли Азизжон ҳам бобоси ва отасининг касбини танлаб, ушбу олижаноб соҳанинг барча сир-асрорларини ўрганмоқда.

Ҳамробой Чориев бунёд этган ушбу мактабгача таълим муассасаси «Бухоро проект» МЧЖ лойиҳаси асосида ўзига хос услубда қад ростлабди. Бинонинг фасад қисми замонавий дизайнерлик ечими асосида безатилган, унинг ички қисмида болажонлар ва хизмат қилувчи тарбиячиларга барча шароитлар яратилган. Хоналар қишда иссиқ, ёзда салқин бўлиши учун замонавий иситиш-совутиш ускунлари билан жиҳозланган. Бино ичидаги мўъжазгина бассейн эса болажонларнинг чиниқишлари, спорт билан машғул бўлишларига имкон беради.

– Таълим муассасаси 100 нафар болажонга мўлжалланган, – дейди муассаса мудири Умида Раҳматова. – Таълим маскани фойдаланишга топширилгач, 28 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бино ичига 16 та видеокузатув камераси ўрнатилган бўлиб, улар орқали ота-оналар кун давомида фарзандларини онлайн тарзда кузатиб боришлари мумкин. Муассасамизда болаларга икки нафар олий маълумотли ўқитувчилар инглиз ва она тилларидан мукаммал сабоқ беришлари ҳам кўзда тутилган.

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш, албатта, истаймизми йўқми, фойда кўриш учун амалга оширилади. Ҳамробойдан ана шу масалани сўраганимизда у:

– Икки нафар набирам бор. Ушбу муассасани ҳам фойда кўриш учун эмас, ана шу набираларимга қургандек бўлдим, – деди.

Мактабгача таълим муассасасининг ушбу биноси қаҳрамонимиз 2015 йилда фойдаланишга топширган спорт комплексининг шундоққина ёнгинасида қад растлаган. Ҳамробой спортга ошуфталигини эса Олот туманидаги яна бир иншоот – Болалар-ўсмирлар спорт мактабига қарашли ёпиқ сузиш ҳавзасига борганда билдик.

Бухоро вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси буюртмаси ва «Лойиҳа сув қурилиш» МЧЖ лойиҳаси асосида бунёд этилган ушбу иншоот қисқа муддатларда қурилган бўлса-да, унда спортнинг сузиш йўналиши бўйича машғул бўлиш учун барча шарт-шароитлар кўзда тутилган. Бир сўз билан айтганда, бу каби иншоотларни барпо этиш ҳадисини олган Ҳамробой Чориев бошлиқ «Шарқ плюс» масъулияти чекланган жамияти келгусида ҳам халқимиз учун узоқ йиллар хизмат қилувчи кўплаб иншоотларни барпо этиш ниятида.

Замонавий уй-жой қуриш, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, олис ҳудудларда яшовчи кишилар шароитини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар Бухоро вилоятида ҳам ўз самарасини бермоқда. Қишлоқларни обод қилиш ва бу орқали у ерда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар кишиларнинг ҳаёт тарзи ва дунёқарашини тубдан ўзгартирмоқда. Одамлар борган сари обод, гўзал жойлар, муносиб шароитларда яшашга интилмоқда.


















**Дилшод ЖАЛОЛОВ,**
**Эшмуҳаммад ХАЛИЛОВ (фото),**
**«O'zbekiston bunyodkori»нинг махсус мухбирлари.**
**Тошкент – Бухоро – Тошкент.**

Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонун қабул қилинган кун муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.






## Мадҳиямиз – фахримиз

Термиз шаҳридаги Ёшлар марказида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонун қабул қилинган кун муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда бир гуруҳ ёшлар ҳарбий оркестр ижросидаги мусиқа жўрлигида давлатимиз мадҳиясини куйлади. Халқимизнинг асрий орзулари жо бўлган мадҳиямиз ёшлар қалбида миллий ифтихор, ватанпарварлик, фидойилик туйғуларига ҳамоҳанг янгради.

**Суратда:** тадбирдан лавҳа.

**Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎзА) олган сурат.**

## Янги поликлиника иш бошлади

Фарғона вилоятида ҳам Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги арафасида кўплаб маданий-маиший иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, турар жойлар фойдаланишга топширилди.






Фарғона шаҳрида иш бошлаган янги 5-оилавий поликлиника ана шулардан биридир. Мазкур тиббиёт масканининг очилиш маросимида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини ошириш, шифо масканлари фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Фарғона вилоятидаги 86 та қишлоқ ва 26 та шаҳар оилавий поликлиникасида касалликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича замонавий тизимни йўлга қўйиш, патронаж ишлари самарадорлигини ошириш, 5 та тор ихтисослик бўйича тиббий хизмат турларини кўрсатиш учун барча шароит яратилмоқда. Хусусан, жорий йилда амбулатор-поликлиника муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 15 та муассасада реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилиб, 21,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Инвестиция дастури асосида бунёд этилган мазкур замонавий оилавий поликлиника ҳам аҳоли учун муносиб туҳфа бўлди.

Тиббиёт муассасаси «Барака файз инвест» МЧЖ бунёдкорлари томонидан барпо этилди. Қурилиш ишларига 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Вилоят ҳокимлиги кўмагида 300 миллион сўмлик мебель жиҳозлари билан таъминланди.

– Ҳудуддаги 53 мингдан зиёд аҳолига 24 нафар малакали шифокор ва 105 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатади, – дейди мазкур оилавий поликлиника мудири Феруза Мадалиева УзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов билан суҳбатда. – Уч қаватли шифо масканида тиббий хизмат ва муолажалар замонавий тиббий ускуналар ёрдамида бажарилади. Муассаса «Электрон поликлиника» автоматлаштирилган ҳисобот тизимига уланган. Бу эса автоматлаштирилган ҳолда рўйхатга олиш, фуқароларнинг ягона электрон тиббий картасини юритиш, онлайн тарзда шифокор қабулига ёзилиш имконини беради.

## Иқтидорли ёшлар – келажак бунёдкори



Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали талабаси Давид Қонарбоев истеъдодли ёшлардан.

Компьютер инжиниринги факультетининг 4-курсида таҳсил олаётган ёш дастурчи ахборот технологиялари соҳасида янги-янги инновацион ғоялар устида изланмоқда. Ўз лойиҳалари билан мамлакат миқёсидаги инновацион кўргазма ва танловларда фаол иштирок этиб келади. 2017 йили пойтахтда ўтказилган «Чет тилларни ўргатувчи энг яхши дастур ва ишланмалар» танловида «Қалпоқча» номли дастури билан 3-ўринни эгаллаган. Жорий йил октябрь ойида ўтказилган «InnoWeek» инновацион ғоялар ҳафталигида эса «Ёш инноватор» номинациясига сазовор бўлди. Шунингдек, уяли алоқа ёрдамида бошқариладиган робото-техникалар ҳамда ахборот-технология дастурларини яратишга эришган.

Давид Қонарбоев мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ, «Келажак бунёдкори» медали билан мукофотланган.

**Суратда:** (чапдан учинчи) ёш дастурчи Давид Қонарбоев тенгдошлари билан.

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

«Обод қишлоқ» дастури – амалда!

## Сув келтирган – элда азиз

Қўғай қишлоғи Учқўрғон туманининг йирик аҳоли масканларидан бири ҳисобланади. Аҳолисининг сони 30 минг нафар атрофида бўлган мазкур қишлоқ йил сайин ривож топиб бормоқда. Қишлоққа шаҳар ҳусни кириб, унинг аҳолиси ёш оилалар ҳисобига кўпайиб бормоқда.

Қўғай қишлоғининг «Янгиҳаёт», «Исломобод» каби маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилаётган аҳолининг қарийб 70 фоиздан ортиғини ёш оилалар ташкил этади. Шуни таъкидлаш жоизки, янги жойнинг, айниқса, янги маҳалланинг ўзига яраша муаммо ва ташвишлари бўлиши табиий ҳол. Мисол учун, 3 458 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилувчи «Исломобод» МФЙда тоза ичимлик суви муаммоси мавжуд бўлиб, аҳоли оби-ҳаётни қишлоқнинг бошқа ҳудудларидан ташишга ёки ариқ сувини тиндириб фойдаланишга мажбур бўлаётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур ҳужжат ижроси юзасидан қабул қилинган «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори доирасида Учқўрғон туманидаги «Гулистон», «Қўғай», «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида жами 21 096 километр узунликда тоза ичимлик суви тармоқларини тортиш ишлари олиб борилмоқда.

– Бизнинг маҳалла Қўғай қишлоғининг чекка ҳудудларидан бирида жойлашган, – дейди «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Отабек Муҳаммадиев. – Шу боис, маҳалламиз таркибидаги «Янги ҳаёт», «Ф. Турсунов», «Исломобод» кўчаларида тоза ичимлик суви муаммоси аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган эди. Юртбошимизнинг «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар қишлоқ аҳлини беҳад қувонтирмоқда. Бу ишларга муносиб ҳисса қўшаётган Маҳмуджон Юнусов раҳбарлигидаги «Барокат ҳиммат файз» хусусий корхонаси жамоасига миннатдорлик билдирамиз.

Уйчи туманида фаолият кўрсатаётган «Барокат ҳиммат файз» хусусий корхонаси тоза ичимлик суви тармоқларини тортишга ихтисослашган. Корхона йилдан-йилга ҳар жиҳатдан ривожланди. Корхона ҳудудини айланган киши бу ерда бир эмас, уч-тўртта цех фаолият кўрсатаётганига гувоҳ бўлади. Даставвал эътиборимизни 16 мм дан 160 мм гача бўлган ўлчамдаги полиэтилен қувурлари ишлаб чиқарилаётган цех тортди. Корхона иш юритувчиси Фозилжон Юнусовнинг таъкидлашича, мазкур цех 2017 йили Хитой давлатида ишлаб чиқарилган замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Бу ерда 6 та доимий иш ўрни яратилган бўлиб, жумладан Азизбек Исломов, Асилбек Ашуров, Жамолиддин Жабборов каби оловқалб ёшлар қисқа вақт оралиғида замонавий дастгоҳларда ишлашнинг ҳадисини пухта ўзлаштириб олишган. Шу боис корхона маҳсулотларига талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

– Жорий йилнинг ўзида тоза ичимлик суви тармоқларини тортишда қўлланиладиган цемент қоришмали қудуқлар (колодец) ҳамда цемент қоришмали ғиштлар ишлаб чиқариш цехларини ишга туширдик, – дейди Ф. Юнусов. – Натижада 12 нафар қишлоқ ёшларининг бандлиги таъминланди. Корхонамиз ҳудудидаги бўш турган жойда иссиқхоналар ташкил этилган бўлиб, турли резавор экинлардан тортиб, лимон кўчатларигача парваришланмоқда.

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили корхона аъзолари учун меҳнат ютуқларига бой йил бўлмоқда. Корхона томонидан жами 128 минг километр ҳажмдаги полиэтилен қувурлари ҳамда ичимлик суви тармоғини тортишда ишлатиладиган қурилиш ашёларини ишлаб чиқаришга эришилган. Натижада корхона ишчи-хизматчилари томонидан вилоят миқёсида бир қатор қурилиш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Норин туманидаги «Учтепа», «Янги Фарғона» маҳалла фуқаролар йиғинларида тоза ичимлик суви тармоғини тортиш, Наманган шаҳридаги Машраб хиёбони ҳамда Чортоқ туманидаги сув омбори қурилишлари, Поп туманида жойлашган ҳарбий қисмнинг дала майдонида сув иншоотини барпо этиш каби ишлар бажарилди. Айни кунларда корхонанинг тажрибали иш юритувчиси Рустамжон Алимов бошчилигидаги сувсозлар бригадаси Учқўрғон тумани аҳлининг дуосини олмоқдалар.

Сув келтирган – элда азиз, дейишади. Халқимизнинг ҳикматли сўзига амал қилиб, изланишдан чарчамайдиган корхона раҳбари Маҳмуджон Юнусов яқинда Хитой давлатида бўлиб, корхонанинг полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш қувватини ошириш бўйича шартномани имзолашга эришган. Янги қувватларнинг ишга туширилиши эса янги иш ўринлари яратилиши ва қишлоқ ёшларининг бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

## Фермер даволаш маркази қурмоқда

Фориш туманидаги «Нурали – Элназар чорвадор» фермер хўжалиги раиси Элназар Латипов фермерлик билан шуғулланаётганига ҳам ўн йилдан ошди.

У ўтган давр мобайнида фермер хўжалигида чорвачиликни ривожлантириб, яхшигина даромад олишга ҳам эришди. Айни кунда фермер хўжалиги ихтиёрида 40 бош соғин сигир бўлиб, ундан соғиб олинаётган сут тумандаги мактабгача таълим муассасалари ҳамда шифохонага етказиб берилмоқда. Хўжаликда ўн нафардан зиёд ёшлар доимий иш билан таъминланган, дея хабар беради Жиззах вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати.

Туманда экотуризмни ривожлантириш имкониятлари кенг бўлиб, бу соҳани юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Элназар Латипов бу соҳада ҳам фаолиятини кенгайтиряпти. Жумладан, у туя сути ва доривор гиёҳлар билан инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган даволаш марказини бунёд этмоқда. Марказ икки қаватли бинодан иборат бўлиб, тўлиқ фойдаланишга топширилгач, 40 нафар мижоз бир вақтнинг ўзида муолажа олиш имкониятига эга бўлади.

Бу борада Э. Латипов кўп сут берадиган туялар сонини кўпайтиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. Шу ниятда фермер Навоий ва Бухоро вилоятларидан 170 бош зотдор туя келтирганидан сўнг, улар сонини 200 бошга етказди. Айни пайтда 40 бош соғин туядан кунига 100 литрдан ортиқ сут соғиб олинаётир. Соғиб олинаётган туя сути сайёҳлар, туман аҳолиси ҳамда Тошкент шаҳридаги бозорларга етказиб бериляпти. Бундан ташқари фермер йилқичилик, қоракўлчиликни ҳам босқичма-босқич ривожлантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган.

– Халқимиз азалдан туячилик билан шуғулланиб келган. Аҳоли орасида туя сути ва жунига доимо эҳтиёж катта. Шуларни инобатга олиб, фермер хўжалигимизда туячиликни ривожлантиришга қарор қилдик, – дейди Э. Латипов. – Қувонарлиси, лойиҳа тез орада ўз самарасини бера бошлади. Қолган ишларни босқичма-босқич давом эттиряпмиз.

Таъкидлаш жоиз, туя сути ва ундан тайёрланадиган қимрондан халқ табобатида кенг фойдаланилган. Унинг шифобахш хусусиятлари замонавий тиббиётда ҳам ўз исботини топган. Табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино ҳам «Тиб қонунлари» китобида туя сутининг шифобахшлигини алоҳида таъкидлаган. Унда ёзилишича, туя эрамиздан икки минг йил аввал Арабистонда қўлга ўргатилиб, хонакилаштирилган. Шундан буён узоқ вақт сувсизликка чидамли, беминнат юк ташувчи, гўшти, сути ва жуни билан қадрланадиган туя инсоннинг энг яқин ҳамроҳига айланган.

Маълумотларга кўра, бир ўркачли туялар йилига 2000 литр, икки ўркачлиси эса 750 литргача сут беради. Марказий Осиё халқлари бия сутидан қимиз, туя сутидан эса қимрон тайёрлашади. Бия ва туя сутида бошқа сутларга нисбатан лактоза кўп бўлгани боис, тез ачиб, таркибида нордон моддалар ҳосил қилади. Натижада сут шифобахш ичимликка айланади. Қимиз ва қимрон азалдан кам қувватлик, камқонлик, сил, нафас ва ошқозон-ичак йўллари, жигар, буйрак, юрак, асаб касалликларини даволашда фойдаланилган. Қимиз ва қимрон соғлом одамлар учун ҳам фойдали, чанқовбосди, организмни тетиклаштириб, салқинлик беради ва очликдан сақлайди. Туя сути таркибида B1, B2 витаминлари, темир, фосфор, олтингугурт, кальций моддалари, айниқса, С ва Д витаминлари сигир сутига нисбатан уч баробар кўп бўлади. Шунинг учун иммунитет пасайганда ҳар куни оч қоринга ярим литр янги соғилган туя сути ичиш тавсия этилади.

**Ўз мухбиримиз.**

На заметку

Для любого ремонта или строительства очень важно выбирать хорошие строительные материалы. От качества материалов будет зависеть весь результат ремонтных или строительных работ. Чтобы не ошибиться в своем выборе человеку следует научиться разбираться в строительных материалах.

## Как выбрать хорошие строительные материалы?

Для начала следует понять, что хороший и качественный товар для ремонтных или же строительных работ не может стоить дешево. Обычно цена говорит о качестве материала, чем она больше, тем лучше товар. Поэтому человеку, который решил затеять ремонт или строительство следует хорошо рассчитать свой бюджет. И если денежных средств не будет хватать для покупки хороших строительных материалов, то лучше подождать до лучших времен. А также можно попробовать занять недостающую сумму или просто взять кредит в банке. Если у человека имеется работа, то взять небольшой кредит для него не будет проблемой.

Для того чтобы выбрать хороший материал необходимо в этом разбираться. Многие продавцы работают не совсем честно и могут посоветовать купить не самый хороший товар. А если у человека не имеется опыта, то он, конечно, послушает совета недобросовестного продавца и обязательно пожалеет потом об этом. Как правило, вернуть потом этот товар, назад в магазин будет крайне сложно. Поэтому, чтобы не ошибиться в выборе материала, необходимо совершать покупки в компании человека, который в этом деле хорошо разбирается. Тогда ни один продавец не сможет обмануть таких клиентов. Если нет знакомых хорошо разбирающихся в строительных материалах, то человек может договориться с любым опытным рабочим, который умеет делать ремонты или строить дома.

А также необходимо выучить или записать в блокнот все названия марок строительных материалов, и узнать какие из них являются самые лучшие у покупателей. Далее, необходимо покупать товар именно от этих производителей, таким образом, будет сложно ошибиться в выборе.

Ремонтные и строительные работы – это ответственный процесс, и к этому всему нужно основательно готовиться. Главное, чтобы на все хватило денег, ведь только от этого и зависит качество ремонта или построенного дома. Поэтому сначала нужно накопить достаточную сумму и только потом начинать делать ремонт. Важно помнить о том, что лучше сделать все один раз хорошо, чем потом все переделывать и снова тратить свои деньги.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

**Муассис:** «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир – **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари – **Абдумуталлиб Ўктамов**
Саҳифаловчи – **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ – **Дилфуза Хабибова**

**Таҳририят ҳамкорлари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзҒАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
**E-mail:** uzbunyodkor@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қашқадарё вилояти бўйича:** 90-720-33-03.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 93-466-74-84.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1207. 2470 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Ш. Хўжаев.

ЎзА якуни – 23.10. Топширилди – 00.05.
12345